



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 12 - aprel

730 к -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Нурметов Шокир
Сатимовичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида яшовчи фуқаро Нурметов Шокир Сатимовичнинг “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 2 мартдаги ШЯ-Н-848-сонли аризасини, “Соҳибкор” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 18 февралдаги 474-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган 12 (ўн икки)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 114,77 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 133,77 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 248,54 квадрат метр, қурилиш ости майдони 389,29 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1506,50 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 206,50 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Нурметов Шокир Сатимовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Нурметов Шокир Сатимовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва

иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 206,50 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Нурметов Шокир Сатимовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев